

Асҳоби киромнинг ваъз-насиҳатлари - Умнат пешқадамларининг фазилатлари



11:40 / 04.05.2018 4500

БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИМ

Саҳобаи киромнинг ваъз-насиҳатларини ўрганишга киришишдан олдин у зотларнинг баъзи фазилатларини, уламоларимиз саҳобаларнинг мартабалари ҳақида айтган сўзларни зикр қилишимиз мақсадга мувофиқ бўлади.

Шариат яловбардорлари бўлган содиқ, тақводор, улуф саҳобийлар ҳақларида тил ва қалбни саломат сақлаш, у зотларнинг обрў-эътиборларини ҳимоя қилиш пок шариатнинг асл қондаси ва аҳли сунна вал жамоанинг аломатларидандир.

Бу буюк зотлар бўлмаганида дин ва унинг асли бўлган Қурони Карим худди ҳозир нозил қилингандек покиза ва мукамал ҳолда бизга етиб келмас эди.

Саҳобалар инсоният учун энг катта манфаат келтирган инсонлар бўлиб, айти пайтда эргашишга энг ҳақли зот бўлмиш Муҳаммад алайҳиссаломга энг афзал тарзда эргашган, диёрларни эмас, қалбларни забт этган

зотлардир.

Башарият тарихи уларнинг тарихидан буюкроқ тарихни ҳам, пайғамбарлардан кейин улардан афзал шахсларни ҳам кўрмаган.

Улар диннинг нусрати учун молу жонларини фидо қилишди. Оилаларию ватанларини тарк этишди. Ваҳоланки бу пайтда бошқалар жону молини диндан устун кўриб, бола-чақасини ташлаб кетгиси келмади. Аллоҳга қасамки, саҳобаларга ўхшаган зотлар бўлмаган ва бўлмайди ҳам.

Аллоҳ таоло уларни Ўз Набийсига ҳамнафас бўлиш учун, динини ёйиш учун танлаб олган эди. Бу буюк зотлар Аллоҳ таолонинг изни ила инсонни бандага ибодат қилишдан Роббига ибодат қилишга, дунёнинг торлигидан охиратнинг кенглигига, золимларнинг зулмидан Ислонинг адолатига олиб чиқишди. Уларнинг қўл остида куфр салтанати қулади, худосизлик жамияти парчаланди, шафқатсиз золимларнинг бўйни эгилди, подшоҳлар бўйсунди.

Улар Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг саҳобалари эдилар, ваҳийнинг нозил бўлишига гувоҳ бўлган, тафсиру таъвилни яхши билган зотлар эдилар. Аллоҳ таоло уларни Набийсига камарбаста бўлиш, у зотга мадад бўлиш, динни қоим қилиш ва ҳақни зоҳир қилиш учун ихтиёр қилиб, саҳобалик шарафига лойиқ кўрди ва биз учун ўрнак ва пешқадам қилиб қўйди. Саҳобалар Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шариатни қандай етказган бўлсалар, шундайлигича ҳифз қилиб, ўзлари ҳам амал қилдилар, бизга ҳам етказдилар.

Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам ваъз-насиҳатлар ила уларнинг кўнглидан Аллоҳ ҳақидаги турли шубҳа-гумонларни кетказиб, қалб касалликларини батамом даволадилар.

Аллоҳ таоло Ўзининг муҳкам китобида уларни умматнинг одиллари деб номлади:

سَأَلْنَا لَئِن لَّمْ يَكُنْ لَكُمْ آيَاتٌ فَذُكِّرُوا

«Ана шундай қилиб, одамлар устидан гувоҳ бўлишингиз ва Расул устингиздан гувоҳ бўлиши учун сизларни ўрта уммат қилдик»
(Бақара сураси, 143-оят).

Улар дин учун жонидан, мол-дунёсидан, оиласидан, уй-жойидан воз кечган Муҳаммад алайҳиссаломнинг саҳобаларидирлар. Улар Аллоҳ розилиги учун

ватанларини тарк этишди, қариндош-уруғларидан, дўстлардан узилишди, азоб-уқубатларга сабр қилишди, савоб умидида молларини сарфлашди, Аллоҳга таваккул қилиб, душманларга қарши туришди, Аллоҳнинг розилигини бойликдан, хорликни азизликдан, ғурбатни ватандан афзал кўришди, ниҳоят, шу йўлда жонларини қурбон қилишди.

Аллоҳ таоло уларни шундай мадҳ қилди:

لَللّٰمِ الْضَفَّيْ مَوْلَاوْمَاوْمَرَايْدِنْمَاوْجُحُاَنِ نِيْدَلْاَنِ رَحْمٰهٖمَلْاَءَاَرْقُفَلَل
نُوْقِدَاَصْلَاْمُهٗ كَلَّوْاْ هَلْوُسَّرَوَلَلْاَنِ نُوْرُصَنِّيْوَاْنَاوْضَرَو

«(Садақалар) ўз диёрларидан ва мол-мулкларидан жудо қилинган, Аллоҳнинг фазли ва розилигини тилайдиган ҳамда Аллоҳга ва Унинг Расулига ёрдам берадиган фақир муҳожирларгадир. Ана ўшалар содиқлардир» (Ҳашр сураси, 8-оят)

Муҳожирларнинг биродарлари бўлмиш ансорлар эса уларни ўзларидан устун кўриб, уларга елкадош бўлиб, борини баҳам кўрган зотлардир. Улар араб қабилалари ичида энг азиз қўшни бўлдилар. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уларнинг диёрини омонлик макони ва қароргоҳ қилиб олдилар.

Аллоҳ таоло ифбатли, сабрли, содиқ бандаларини шундай мадҳ қилди:

يَفَنُوْدَجِيْاَلْوَمَّهٖلِلرَجَاَهٗنَمَنُوْبِحُيْمَوْلَبَقِنَمَنَامِيْاَلْاَوْرَادِلَاوُوْوَبَتَنِيْدَلْاَو
ةَصَاَصَحْمُهٗبَنَاكْوَلْوَمَّهٗسُفَنَااَلَعَنُوْرثُوِّيْوَاوْتُوَاْمَمَّةَجَاَحْمَهٗرُوْدُص

«Улардан аввал бу диёрда ва иймонда қарор топганлар ўзларига ҳижрат қилиб келганларни севарлар ва уларга берилган нарсаларга қалбларида ҳасад қилмаслар. Ўзларининг ҳожатлари бўлса ҳам, уларни ўзларидан устун қўярлар» (Ҳашр сураси, 9-оят).

Ким саҳобаларни қалбдан яхши кўрса, уларга афзал кўриш билан Аллоҳга бўйсунса, қалбида уларни ёмон кўрувчилардан узоқлашса, Аллоҳнинг мана бу оятдаги мақтовига сазовор бўлади.

اَنُوْقَبَسَنِيْدَلْاَنَّاوْخِاَلْوَاَلرَفْعَاَنبَرَنُوْلُوْقِيْمَهٗدَعَبِنْمَاوْاَجَنِيْدَلْاَو
مَّيْحُرُّوُوْرَكَّنْاَنبَرَاوْنَمَّاَنِيْدَلْاَلْعَاَنبُوْلُقِيْفَلْعَجَتَاَلْوَنَامِيْاَلْاَب

«Улардан кейин келганлар: «Роббимиз, бизни ва биздан аввал иймон билан ўтган биродарларимизни мағфират қилгин, иймон келтирганларга нисбатан қалбимизда ғашлик қилмагин. Роббимиз, албатта, Сен шафқатлисан, раҳмлисан», дерлар (Ҳашр сураси, 10-оят).

Аллоҳ таоло у зотларнинг қалбини кенг қилган, улар учун сакинат нозил қилган, уларга розилиги ва раҳматини башорат берган:

نَاوُضِرُوهُنَّ مَرَّةً مَرَّةً رَبُّمُورُشَبُّي

«Робблари уларга Ўз даргоҳидан раҳмат, розилик ва наъим жаннатларининг хушхабарини беради» (Тавба сураси, 21-оят).

Аллоҳ таоло уларни яхшиликка буюрадиган, ёмонликдан қайтарадиган, Аллоҳ ва Унинг Расулига итоат қиладиган энг яхши уммат қилди. Шубҳа йўқки, энг яхши уммат Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг умматларидир, энг яхши давр у зоти бобаракотнинг даврларидир. Аллоҳ таоло таврот ва инжилда саҳобаларни аҳли китоблар учун ҳам ибрат қилиб кўрсатди. Роббимиз бу зотларнинг содиқ, холис дўст, саломат иймон, комил ақл соҳиби, тоза фикрли, энг тўғри насиҳатчи, ўта омонатдорлигини билгани учун Пайғамбарига улар билан машварат қилишни буюрди ва шу тариқа, саҳобаларнинг қадрини олий қилди. Аллоҳ уларнинг барчасидан рози бўлсин!

Аллоҳ таоло Қуръонда саҳобаи киромларни кўп бора мақтаб, шундай дейди:

هَلْ لِي ضَرٌّ نَاسِحَابِ مُوَعَبَّتَانِي دَلَاوَرَا صَنَالَاوَنِي رَجَاهُ مَلَانَمَنُورِ وَأَلَانُوقِبْ أَسْلَاوُزُوفَلَا كَلَدَا دَبَا أَهِي فَنِي دَلَاخُ رَاهُنَالَا أَلَا تَحَاتِي رَجَاتَانَجُ مَهَلْ دَعَاوُورُ مَوَعَنَعُ مَيَطْعَلَا

«Аллоҳ биринчи пешқадам муҳожирлар ва ансорийлар ҳамда уларга яхшилик билан эргашганлардан рози бўлди, улар ҳам Аллоҳдан рози бўлдилар. Улар учун тагидан анҳорлар оқиб турадиган жаннатларни тайёрлаб, уларни у ерларда абадий - мангу қолувчи қилиб қўйди. Ана ўша буюк ютуқдир» (Тавба сураси, 100-оят).

أَدَجُّسْ أَعَكُّرُ مَهَارَتُ مَوَعَنِي بَأَمَحُّرَّرَافُ كَلَا لَعَاءِشَ أَوَعَمَنِي دَلَاوَلَا لُورُ دَمَحُّمُ دُوجُّسَلَا رَتَّأَنُّ مَوَوُوجُو وَي مَهَامِي سَأَنَاوُضِرُوهُنَّ لَلَانُّ أَلْضَفَ نُوَعَتَبِي

«Муҳаммад Аллоҳнинг Расулидир. У билан бирга бўлганлар кофирларга шиддатли, ўзаро эса раҳмдилдирлар. Уларни рукуъ ва сажда қилган ҳолларида кўрасан. Улар Аллоҳдан фазл ва розилик тиларлар. Юзларидаги аломатлари эса сажда асаридир» (Фатҳ сураси, 29-оят).

Аллоҳ таоло ҳақ сўзлайди.

Бу самовий мақтовларга мувофиқ равишда инсониятнинг энг росгўйи бўлган зот, фасоҳатли калом соҳиби Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам жуда кўп ҳадисларида саҳобаи киромни мақтаганлар. Баъзи уламолар бу ҳадисларни жамлаб, кўп жилдли китоблар таълиф қилишган. Шундай экан, оддий бир инсон бунга қўшимча тарзда нима ҳам дея оларди?

Шу боис, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам – ул зотга ота-онам фидо бўлсин – саҳобаларни қандай мақтаганларидан намуналар келтириб ўтиш билан кифояланамиз.

Абдуллоҳ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Одамларнинг энг яхшиси менинг асримдагилардир. Сўнгра улардан кейин келадиганлари. Сўнгра улардан кейин келадиганлари»**, дедилар».

Абу Мусо розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: **«Юлдузлар осмон учун омонликдир. Юлдузлар кетса, осмонга унга таҳдид қилинган нарса келади. Мен саҳобаларим учун омонликман. Мен кетсам, саҳобаларимга уларга таҳдид қилинган нарса келади. Саҳобаларим умматим учун омонликдирлар. Саҳобаларим кетса, умматимга уларга таҳдид қилинган нарса келади»**.

Муслим ривоят қилган.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам саҳобалар ҳақида ножўя сўз айтишдан ҳам қайтарганлар:

Абу Саъид розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: **«Саҳобаларимдан бирортасини ҳам сўкманглар, чунки бирортангиз Уҳуддек келадиган олтин нафақа қилса ҳам, улардан биттасининг бир мудд ёки ярим мудд нафақасича келмайди»**.

Тўртовлари Бухорий, Муслим, Абу Довуд, Термизий ривоят қилганлар.

Юқоридаги оят ва ҳадисларга асосланиб, мутақаддим уламолар саҳобаларни пайғамбарлар каби маъсум деб эътиқод қилмаган ҳолда, уларнинг хатоларини таҳлил қилишдан қаттиқ қайтарганлар. Улардан

содир бўлган баъзи хатоликларни эса ижтиҳод санаганлар ва ҳадисга мувофиқ бир ёки икки савоб оладилар деб билганлар.

Мутақаддим уламоларнинг саҳобалардан камчилик қидирмасликни таъкидлаб айтишларига сабаб шуки, улар бу ишнинг охири динни бузишга олиб боришини ўз кўзлари билан кўриб, тажрибадан ўтказишган.

Буюк имом Абу Заръа «Саҳобалардан биронтасини айблаётган кишини кўрсанг, билгинки, у зиндиқдир. Шоҳидлик берамизки, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳақдирлар. Қуръон ҳақдир. Қуръон ва ҳадисларни бизга саҳобалар етказишди. Бу зиндиқлар бу ишлари билан саҳобаларнинг одиллигига путур етказиш орқали Қуръон ва Суннатни ботилга чиқармоқчи бўлишади. Аслида бу зиндиқларнинг ўзлари айбланишга ҳақлироқдир», деганлар.

Имом Аҳмад: «Ким саҳобаларни айбласа, бирон ишлари учун ёмон кўрса ёки ёмонликларини тилга олса, токи уларнинг ҳаққига дуо қилиб, қалбини уларга нисбатан гина-адоватдан покламагунича бидъатчи бўлиб туради», деганлар.

Шайхулислам «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан кейин саҳобаларнинг кўпчилиги кофир бўлишган ёки барчалари фосиқ бўлган» дейдиганларга қарата шундай деганлар: «Бу гапни айтадиганларнинг кофирлигига шак-шубҳа йўқ. Бундай инсон Аллоҳ таоло улардан рози бўлгани ва мақтагани ҳақидаги Қуръон оятларни ёлғонга чиқарган бўлади. Ҳаттоки бу эътиқоддаги кишининг кофирлигига шубҳа қилган одамнинг ўзи ҳам кофир бўлади. Чунки улар «Китоб ва Суннатни етказувчилар фосиқ ва кофир бўлган» деган ботил эътиқоддадир. Ваҳоланки бу уммат Қуръонда (سَأَلَلْتَهُمْ لَوْلَا رِزْقُ اللَّهِ لَكُنْتُمْ أَكْثَرًا مُنْكَرًا)

«одамлар учун яратилган энг яхши уммат бўлдингиз» деб васфланган.

Умматнинг энг афзаллари эса, юқоридаги ҳадисда айтилганидек, Исломнинг дастлабки асрида яшаганларди.

«Уларнинг ҳаммаси фосиқу кофир» деган тушунчанинг яна бир ботил мазмуни шуки, ундан ҳозирги уммат ёмон уммат ва бу умматнинг пешқадамлари эса энг ёмонлардир» деган маъно келиб чиқади. Буларнинг ҳаммаси куфр даъволар экани очиқ-ойдин маълумдир. Бундан келиб чиқадики, бундай гапни айтувчилар албатта зиндиқлардир. Улар ботил далилларининг ортига яширинадилар. Аммо Аллоҳ таоло уларнинг асл башарасини очиб ташлайди.

Етук фаҳм эгаси бўлмиш имом Молик Қуръони Каримни қуйидаги оятини шундай тафсир қилади:

أَدَّجَسَ أَكْرَمُ مُهَارَتِ مُهَنْبِ بِيَامِ خُرَّافِ كَلِّ لَيْلِ عَاءِ إِشْرَآءِ عَمَ نِي دَلَّ أَوْ لَلِ لُؤْسِ رُدِّمَ حَمِّ
مُهَلَّتْ مَكَلِّ ذِدُّوْجِ سَلَّ رَثَّ أَهْ نَمِّ مِهْهُوْجُوْ يَفِ مُهَامِ يَسْ أَنْ أَوْضَرَّوْ لَلِ نَمِّ أَلْضَفَ نُوْغَتْ بَبِ
يَوْتِ سَأَفَ ظَلَّغَتْ سَأَفُ هَرَزَّ أَفُ هَاطِشَ جَرَّحَ أَعْرَزَكَ لِي جِنِّ لِي يَفِ مُهَلَّتْ مَوَّهَ أَرْوْتِ لِي يَفِ
رَأْفُ كَلِّ مُهَبَّ ظِيغَيْ لِي لَعَارُّ زَلَّ أَبْجُغَيْ هَقُوسِ يَلَّ عَ

«Муҳаммад Аллоҳнинг Расулидир. У билан бирга бўлганлар кофирларга шиддатли, ўзаро эса раҳмдилдирлар. Уларни рукуъ ва сажда қилган ҳолларида кўрасан. Улар Аллоҳдан фазл ва розилик тиларлар. Юзларидаги аломатлари эса сажда асаридир. Уларнинг таврот ва инжилдаги мисоллари ана шундай. Бу худди уруғини ёриб чиқиб, қувватланиб, йўғонлашиб, поясида тик туриб, деҳқонларни ажаблантирган бир экинга ўхшар - улар билан кофирларни ғазаблантириш учун» (29-оят).

Кимнинг қалбида саҳобаларга нисбатан ғазаб ва адоват бўлса, мазкур оятда назарда тутилган кимсалар қаторига кириб қолади. Демак, саҳобаларга ғазаб ва адоват қилиш кофирларнинг сифатларидан экан.

Ҳар бир мусулмон Пайғамбарининг саҳобалари бўлмиш зотларнинг қадрини яхши билиши, уларнинг шаънига нолайиқ бўлган, улар ҳақида шубҳа уйғотадиган гап-сўз ёки хатти-ҳаракатлардан ўзини тийиши, бундай ишлар бўладиган жойларга бормаслиги, бундайлар билан бирга ўтирмаслиги, бундай мазмундаги хабар, мақола, кўрсатув ёки эшиттиришларни кўрмаслиги керак. радио ва телевидения орқали саҳобалар ҳақида ножўя гаплар айтиб кўрсатув ва эшиттиришларни кўриш ва тинглашдан ўзини тийиши лозим. Зеро, мўмин киши нафақат саҳобаларга, балки барча мусулмонларга нисбаттан қалби пок ҳолатда Роббига бормоғи керак.

Мусулмон киши Аллоҳ таоло саҳобаларни мақтаганини, улардан рози бўлганини доимо ёдда сақлаши, улардан биронтасига нисбатан қалбида гина-адovat бўлмаслиги шарт. Саҳобаларга нисбатан адоватда бўлиш қалб касалликларидандир.

Аллоҳим, ушбу оятингдан бизни ҳам баҳраманд айлагин:

أَنْوُقَبَسَ نِي دَلَّ أَنْ أَوْخِلَّوْ أَنْ لَرَفَّغَا أَنْ بَرَّ نُولُوقِيْ مِهْ دَعَبَ نَمِّ أَوْوَأَجَ نِي دَلَّ أَوْ
مِي حُرِّ فَوْوَرَكُنَّ أَنْ بَرَّ أَوْنَمَّ نِي دَلَّ لَغَا أَنْ بُولُقِيْ لَعَجَّتِ أَلَّوْ نَامِيْ لِأَبِ

«Улардан кейин келганлар: «Роббимиз, бизни ва биздан аввал иймон билан ўтган биродарларимизни мағфират қилгин, иймон келтирганларга нисбатан қалбимизда ғашлик қилмагин. Роббимиз, албатта, Сен шафқатлисан, раҳмлисан», дерлар (Ҳашр сураси, 10-оят)

Аллоҳим, бизни охираат диёрида Пайғамбарингнинг саҳобалари билан ҳам бирга қилгин. Биз уларни яхши кўраимиз, дўст тутамиз, уларни ёмон кўрганларни эса ёмон кўраимиз. Бунга Ўзинг энг яхши гувоҳсан.

«Маваъизус-саҳоба»

Доктор Умар ибн Абдуллоҳ ибн Муҳаммад Муқбил

Таржимон: Амруллоҳ Форсий